

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ



**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ»**

**МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИНИНГ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

2008 йил 27-29 ноябр

ТОШКЕНТ 2008

НАМАНГАН-77 ВА ТЕРМИЗ-31 ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНИШ ТАРТИБЛАРИ

Ботиров Ш.Ч., Маматалиев А.Б.- ТИМИ

Кейинги йилларда табиий-иклим шароитининг ўзгариши, ёғингарчиликнинг нисбатан камайиши, экин турларининг кўпайиши ва янги ерлар ўзлаштирилиши натижасида суғориш сувига бўлган талаб охиб, сув танқислиги сезилмоқда. Маълумки, суғориш сувисиз қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш, республикамиз қишлоқ хўжалигининг салоҳиятини ошириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш каби долзарб масалаларнинг ечимини топиб бўлмайд. Демак, суғориш сувини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳозирги кунда фан, қолаверса, қишлоқ хўжалиги ходимлари олдидаги энг долзарб масалалардан биридир.

Юқоридаги муаммоларни қисман ҳал қилиш учун III-V тинга мансуб ўрта ингичка толали Термиз-31 ва Наманган-77 ғўза навларининг суғориш ва озиқланиш тартибларини дала, ишлаб чиқариш тажрибалари асосида ўргандик.

Ягона тажриба тизими асосида Сурхон-Шеробод воҳаси, Термиз туманидаги ЎзПТИ Сурхондарё филиали МТХ тақир туپроқларида тадқиқот ишларини олиб бордик. Дала тажрибалари ва синовларда туپроқдаги сув олди намлик тартибини уч варианты ЧДНС га нисбатан 65-65-65%, 70-70-65%, 75-75-65%, НРК нинг икки меъёри N-200, P-140, K-100 кг/га ва N-250, P-175, K-125кг/га (соф ҳолда), кўчат қалинлиги Наманган-77 ғўза нави учун ўртача 80,0 минг туп/га, Термиз-31 ғўза нави учун 130,0 минг туп/га кўчат терим олди таъминланган ҳолда ўрганилди (1-жадвал).

Тажриба даласининг мавсум бошида туپроқнинг ҳажм оғирлиги, чекланган дала нам сизими (ЧДНС) %, туپроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Туپроқнинг ҳажм оғирлиги 0-70 см да 1,32-1,33 г/см³, 0-100 см да 1,33-1,34 г/см³ тенг бўлди. Чекланган дала нам сизими 0-70 см да 21,5%, 0-100 см да 21,7% га тенг бўлди. Туپроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 779 м³/га ни ташкил этди.

Тажриба даласида гумус миқдори: 0-38 см ли қатламда 0,719% га тенг ва унинг таркиби ҳайдов ости қатламида (38-75 см) 0,632% гача камайди.

1-жадвал.

Тажриба тизими

Вариант	Туپроқнинг суғориш олди намлиги, ЧДНСга нисбатан %	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га (соф ҳолда)		
		N	P	K
1, 7	65-65-65	200	140	100
2, 8	65-65-65	250	175	125
3, 9	70-70-65	200	140	100
4, 10	70-70-65	250	175	125
5, 11	75-75-65	200	140	100
6, 12	75-75-65	250	175	125

Изох: 1-6 вариантлар Наманган-77, 7-12 вариантлар Термиз-31

Сурхон - Шеробод воҳасининг иклими қуруқ шу сабабли чигит униб чиқиши учун етарли нам тўплаш мақсадида 90 см кенликда эгат олиб, 1400-1600 м³/га меъёрида экин олди суви март ойининг биринчи-иккинчи ўн кунлигида берилди, ер етилиши билан экин билан бирга ерлар борона қилинди ва ғўза навлари чигитини сифатли қилиб эқдик. Экин билан бирга ўғит меъёрига қараб 30-40 кг/га азот, 20 кг/га фосфор (соф ҳолда) берилди. Ягоналашни нихоллар тўлиқ кўқариб чиқиши билан Наманган-77 навида 90x12-1 схемада ҳар бир метрда 8-9 дона, Термиз-31 навини 90x10-1-2 схемада 12-13 дондан ўсимлик қолдириб ягоналашни ўтказдик.

Суғориш олдида туپроқ намлиги тайёрланган дастур асосида олиб борилди. Ғўза навларини олдиндан белгиланган суғориш олди намлиги асосида ± 0,5-1,5% фарқи билан суғордик. Суғориш натижасида эгатнинг айрим жойлари намланмай қолишини баргараф қилиш учун эгатдаги сув сарфини , эгат бошида 0,30-0,40 л/сек, 4/3 қисмига етгач сув сарфи 0,12-0,20 л/сек, эгат охирида 0,07-0,08 л/сек гача камайтириш билан эгатнинг барча узунлиги бўйича тўлиқ намланиши таъминланди.

Наманган-77 навини ЧДНС га нисбатан 65-65-65% режимда 1-2-1(2) тизим асосида, сугориш оралиги 19-21 кун, амал-ўсув даврида 760-1370 м³/га, мавсум давомида 4664 м³/га сугорилганда ушбу вариантда туپроқ намлиги етишмаслиги ҳолати кузатилади.

ЧДНС га нисбатан 75-75-65% режимда 1-3-1(2) тизим асосида, сугориш оралиги 16-18 кун, амал-ўсув даврида 710-1035 м³/га, мавсум давомида 4928 м³/га сугорилганда павда говлаш ва икки режимга нисбатан орқада қолиш кузатилади.

ЧДНС га нисбатан 70-70-65% режимда 1-2-1(2) тизим асосида, сугориш оралиги 18-20 кун амал-ўсув даврида 740-1304 м³/га, мавсум давомида 4540 м³/га сугорилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳосил тўплаши бирмунча юқори бўлганлиги кузатилади.

Термиз-31 ғўза навида эса Наманган-77 навида кузатишган ҳолатнинг тезкари ҳолати кузатилади. Яъни Термиз-31 навини қанча юқори нормада сугорилса нав шунчалик ривожланиб боради.

ЧДНС га нисбатан 65-65-65% ва 70-70-65% режимда сугорилганда павда нам етишмаслиги кузатилади. ЧДНС га нисбатан 75-75-65% режимда 1-3-1(2) тизим асосида, сугориш оралиги 15-18 кун, амал-ўсув даврида 720-1065 м³/га, мавсум давомида 5018 м³/га сугорилганда ушбу интичка толали ғўзанинг Термиз-31 нави ривожини яхши бўлди.

Вариантларга минерал ўғитни тажриба тизимида кўрсатилган НРК-метёрлари асосида берилди. Ўғит нормалари қуйидаги муддатларда берилди. Кузги шудгордан олдин Р-100; 123 кг/га, К-50; 63 кг/га. Экиш билан бирга N-30; 40 кг/га, Р-20 кг/га, 3-4 чин барча чиққанда N-30; 50 кг/га, шоналан бошланганда N-70; 80 кг/га, К-50; 62 кг/га, гуллаш бошланганда N-70; 80 кг/га, Р-20; 32 кг/га.

Йиллик миқдори N-200; Р-140; К-100 кг/га, N-250; Р-175; К-125 кг/га ни ташкил этди.

Наманган-77 ва Термиз-31 навининг ўсиши ривожланиши; ҳосил тўплаш бўйича фенологик кузатишларнинг далолат беришича сув-озика метёрларининг оширилиши иккала павда ҳам бош поясининг ўсиши тезлашди. Наманган-77 навида 65-65-65% режимда нам етишмаслиги, 75-75-65% режимда ортиқча намлаштириш оқибатида, 70-70-65% режимга нисбатан кўсак 0,2-0,9 дона бир кўсақтаги пахта вази 0,13-0,33 га, пахта ҳосилдорлиги 2,2-4,8 ц/га оралигида кам ҳосил олинди.

Термиз-31 навида 65-65-65% ва 70-70-65% режимларда сугорилганда иккала режимда ҳам нам етишмаслиги оқибатида 75-75-65% режимга нисбатан кўсаги 0,4-1,2 дона, бир кўсақтаги пахта вази 0,2-0,4 гр, пахта ҳосили 3,6-7,3 ц/га оралигида кам ҳосил олинди.

Сурхон-Шеробод воҳаси саҳро чўл минтақаси тақир туپроқларида олиб борилган дала тажрибалари асосида қуйидагича хулосага келишимиз мумкин.

Ер ости сувлари сатҳи 1,0-2,2 м бўлган тақир туپроқларда ўрта толали ғўзанинг V-тинга мансуб Наманган-77 навини сугориш олди туپроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 фоиз бўлганда 4-5 маротаба 1-2-1(2) тизимда, сугориш оралиги 18-20 кун, амал-ўсув даврида 740-1304 м³/га, мавсум давомида 4540 м³/га сугорилганда бир кўсақтаги пахта вази 4,98 гр, ҳосилдорлик 36,4 ц/га, 1 ц ҳосил олиш учун 124,6 м³/га сув сарфланди.

Интичка толали ғўзанинг III-типга мансуб Термиз-31 навини сугориш олди туپроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65% бўлганда 5-6 маротаба 1-3-1(2) тизимда, сугориш оралиги 15-18 кун, амал-ўсув даврида 720-1065 м³/га, мавсум давомида 5018 м³/га сугорганда, бир кўсақтаги пахта вази 2,7 гр, ҳосилдорлик 37,6 ц/га, 1 ц ҳосил олиш учун 133,4 м³/га сув сарфланди.

УДК 633.413:631.531

ПРИМЕНЕНИЕ ИНТЕРПОЛИМЕРНЫХ КОМПЛЕКСОВ ДЛЯ ИНТЕНСИФИКАЦИИ ЗЕМЛЕДЕЛИЯ.

Ахмеджанов Г., Мусаева М.- ТИИМ.

Целью данной работы являются предотвращение водной, ветровой эрозии, улучшение качества почвы и повышения эффективности поливной воды с использованием биоразлагаемых экологически безвредных и экономически доступных интерполимерных комплексов.

В резко континентальных климатических условиях Средней Азии наблюдается повышенная ветровая и дождевая деятельность, обуславливающая возникновение ветровой, водной эрозии. Площадь земель подверженных эрозии исчисляется миллионами гектаров, что приводит к снижению плодородия почвы.